


## **IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ**

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 8 755,1 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 100,5 % ни ташкил этди.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 81,0 % ёки 1 008,5 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 11,5 %) ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7 746,6 млрд. сўм ёки 2019 йил январь-декабрига нисбатан 103,8 % (жами инвестициялардаги улуши 88,5 %) ни ташкил этди.



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган  
инвестициялар**  
(2020 йил январь-декабрь)

	млрд. сўм	ўсиш суръати %, %	ҳажмга нисбатан % да
<b>Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар</b>	<b>8 755,1</b>	<b>100,5</b>	<b>100,0</b>
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>1 008,5</b>	<b>81,0</b>	<b>11,5</b>
бюджет маблағидан	591,6	79,3	6,7
Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бўлган чет эл кредитлари	312,2	78,6	3,6
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	104,7	102,8	1,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>7 746,6</b>	<b>103,8</b>	<b>88,5</b>
Корхона ўз маблағлари	1 930,3	99,4	22,0
ахоли маблағлари	1 495,1	104,7	17,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	3 188,5	105,3	36,4
тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1 132,7	106,1	13,0

**Марказлашган инвестициялар манбалари бўйича улуши, % да**  
(2020 йилнинг январь-декабрь)



**Марказлашмаган инвестициялар манбалари бўйича улуши, % да**  
(2020 йилнинг январь-декабрь)



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар**  
(жами ҳажмдаги улуши, % да)




Асосий капиталга инвестицияларнинг энг юқори кўрсаткичи тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар маблағи ҳисобига тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,3 % ни ташкил этди.


### **Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар**

Шаҳар ва туманлар	Жами		шу жумладан: хорижий инвестиция ва кредитлар	
	млрд. сўм	ўсиш суръати, %	млрд. сўм	ўсиш суръати, %
➤ Вилоят бўйича:	<b>8 755,1</b>	<b>100,5</b>	<b>3 500,7</b>	<b>102,2</b>
<b>шаҳарлар:</b>				
➤ Андижон	2 211,0	95,4	990,5	175,4
➤ Хонобод	169,6	79,0	78,5	52,2
<b>туманлар:</b>				
➤ Олтинкул	619,5	114,3	97,0	108,8
➤ Андижон	555,0	128,6	219,6	142,0
➤ Балиқчи	234,6	59,1	74,0	41,6
➤ Бўстон	218,4	171,3	132,3	3,6 м.
➤ Булоқбоши	284,2	51,9	93,2	23,1
➤ Жалақудук	323,3	119,8	44,0	178,1
➤ Избоскан	255,5	101,6	78,2	91,1
➤ Улуғнор	278,4	138,5	93,0	138,5
➤ Кўргонтепа	503,0	48,8	176,4	24,2
➤ Асака	1 001,0	125,8	604,2	2,1 м.
➤ Марҳамат	290,8	103,1	43,8	45,1
➤ Шаҳрихон	331,4	93,2	53,0	44,5
➤ Пахтаобод	278,3	92,4	70,6	63,0
➤ Хўжаобод	1 201,1	187,6	652,4	199,3

## Худудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари, % да




## Худудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар улуси, % да




## Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	Жами	Шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича	
		давлат	нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>8 755,1</b>	<b>989,4</b>	<b>7 765,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
умумий ҳажмга нисбатан, % да	100,0	100,0	100,0
<i>машина, ускуналар, транспорт воситалари ишилаб чиқарии ва хўжалик жиҳозлари</i>	50,0	15,3	54,4
қурилиш-монтаж ишлари	44,4	80,7	39,8
бошқа харажатлар	5,6	4,0	5,8

## Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби, млрд. сўм



## Асосий капиталга инвестицияларнинг тақорор ишлаб чиқариш таркиби, % да



2020 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг катта қисми кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қуроллантиришга йўналтирилган. Ушбу йўналишдаги инвестициялар ҳажми 4 504,8 млрд. сўмни ташкил этиб, жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 51,5 % ни ташкил этди.

Мавжуд янги қурилишга йўналтирилган инвестициялар 3 459,7 млрд. сўмни ташкил этди ва вилоятда жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 39,5 % ни ташкил этди, 790,6 млрд. сўм (9,0 %) бошқа харажатларга йўналтирилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга  
инвестициялар, млрд. сўм**



Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори қўрсаткичлари иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланди: қайта ишлаш саноати жами молиялаштириш манбалари хисобидан 3 196,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 36,5 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига 1 005,5 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 11,5 %, улгуржи ва чакана савдо соҳасида 780,4 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 8,9 %, қурилиш соҳасида 406,4 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 4,6 %, ташиб ва сақлаш 414,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 4,7 % ҳамда бошқа фаолият турлари бўйича 2 635,0 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 30,2 фоизи ўзлаштирилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби

■ 2019 йил январь-декабрь ■ 2020 йил январь-декабрь



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда 3 196,3 млрд. сўм ўзлаштирилиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 36,5 % ташкил этди.

2020 йил январь-декабрида умумий майдони 1 125,8 минг кв.м. (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 99,2 %) бўлган 5 831 хонадонга эга бўлган турар - жойлар, улардан 717,0 минг кв.м. (97,0 %) бўлган 3 859 та хонадонлар қишлоқ жойларда ишга туширилди.



## Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари (2020 йил январь-декабрь ойлари)

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Андижон вилоятида жами 4 474,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 104,9 % ни ташкил этди.




## Қурилиш ишлари ҳажмининг таркиби ва улуши, % да (2020 йил январь-декабрь ойлари)



Амалга оширилган қурилиш ишлари мулкчилик шакли, давлат ва нодавлат бўлган корхона ва ташкилотлар таркиби бўйича бўлинади.

Қурилиш ишлари ҳажми иирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шакилланади.



**Маълумот учун:** қурилиш ишлари ҳажми бу – ўз қучи билан бажарилган қурилиш ишлари, янги қурилиши, капитал ва жорий таъмирлаши ҳамда бошқа пудрат қурилиш ишлари натижасидир.


2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, жами қурилиш ишлари ҳажми таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 297,5 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишлари 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 137,3 % ни, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 6,7 % ни ташкил этди.



**Маълумот учун:** йирик қурилиши ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиши ишларининг жами қурилиши ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Андижон шаҳар (ҳудуддаги жами қурилиши ишлари ҳажмининг 32,9 % ни ёки 2019 йилнинг январь-декабрь ойига нисбатан 102,4 %) га тўғри келади.



## Қурилиш ишлари умумий ҳажмида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, % да



### Кичик корхона ва микрофирмалар


- 2020- йил январь-декабрь
- 2019- йил январь-декабрь

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2020 йил январь-декабрь ойларида қурилиш ишларини бажарган бошқа ташкилотларга нисбатан ошганлиги қузатилди. Улар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 62,3 % тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-декабрь ойлари кўрсаткичига нисбатан 1,5 % пунктга камайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 % ни ташкил этган ҳолда 2 788,7 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

Норасмий сектор ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31,03 % ни ташкил этди ёки 1 388,2 млрд. сўм миқдорида қайд этилди. 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 105,5 % ни ташкил этди.




## Қурилиш ишлари умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши



Давлат мулкчилиги шаклидаги ташкилотлар томонидан жами 213,0 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 152,9 % қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 4 261,4 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2,6 мартани ташкил этди.



## Мулкчилик шакли давлат ва нодавлат бўлган ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари, % да



Давлат мулки



Нодавлат мулки



**Худудлар кесимида мулкчилик шакллари бўйича бажарилган  
курилиш ишлари**  
(2020 йил январь-декабрь ойлари)

	Курилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм	Давлат мулки		Нодавлат мулк*	
		млрд. сўм	улуши % да	млрд. сўм	улуши % да
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>4 474,4</b>	<b>213,0</b>	<b>4,8</b>	<b>4 261,4</b>	<b>95,2</b>
Андижон ш.	1 472,1	37,4	2,5	1 434,7	97,5
Хонобод ш.	116,5	-	-	116,5	100,0
туманлар :					
Олтинкўл	295,5	3,1	1,1	292,4	98,9
Андижон	595,2	23,9	4,0	571,3	96,0
Балиқчи	103,5	13,2	12,8	90,5	87,2
Бўйстон	152,7	3,8	2,5	148,9	97,5
Булоқбоши	91,1	13,2	14,5	77,9	85,5
Жалакудук	199,2	13,2	6,6	186,0	93,4
Избоскан	130,3	13,2	10,1	117,1	89,9
Улуғнор	90,7	13,2	14,5	77,5	85,5
Қўргонтепа	160,5	13,2	10,3	147,3	91,8
Асака	201,4	13,2	6,5	188,2	93,5
Марҳамат	210,6	13,2	6,3	197,4	93,7
Шахрихон	318,9	13,2	4,1	305,7	95,9
Пахтаобод	198,6	13,2	6,6	185,4	93,4
Хўжаобод	137,6	13,2	9,6	124,6	90,4

\* Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда



## Андижон вилояти иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари, % да

2019 йил январь-декабрь

16,4

Ихтисослаштирилган  
қурилиш ишлари



8,7

Фуқаролик  
обектларини қуриш



74,9

Бино ва  
иншиотларини қуриш



2020 йил январь-декабрь

11,9

Ихтисослаштирилган  
қурилиш ишлари



12,2

Фуқаролик  
обектларини қуриш



75,9

Бино ва  
иншиотларини қуриш



**Маълумот учун:** иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиши ишларининг асосий қисми қурилиши, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган ҳамда яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриши бўйича амалга оширилган қурилиши ишларидан




## Бино ва иншоотлар қурилиши

Бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 5,0 % ни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 5,0 % пунктга кўпайди.

Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2019 йилнинг январь-декабрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 4,9 % пунктга кўпайиб, 55,2 % ни ташкил этди.

Норасмий секторнинг улуши эса 2019 йилнинг январь-декабрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 0,1 % пунктга ортиб, 39,8 % ни ташкил этди.






## Фуқаролик обектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари

Фуқаролик обектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 12,4 % ни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-декабрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 4,5 % пунктга кўпайди.

Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равища 80,8 % (11,1 % пунктга кўпайди).


Норасмий секторнинг улуши эса 2019- йилнинг январь-декабрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 6,6 % пунктга купайди, 6,8 % ташкил этди.





## Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибидаги йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2019 йилнинг январь-декабрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 4,3 % пунктга кўпайди ва 11,3 % ни ташкил этди. Қолган 88,7 % кичик корхона ва микрофирмалар хиссасига тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларидағи кўрсаткичга нисбатан 4,3 % пунктга кўпайди.





## Худудлар кесимида қурилиш ишлари (2020 йил январь-декабрь ойларида)

### Эң жоғары ҳажм (млрд. сүм)

Андижон ш.  
1 472,1

1

2

Андижон т.  
595,2

Шаҳриён т.  
318,9

3



### Кичик ҳажм (млрд. сүм)

Балиқчи т.  
103,5



Булоқбоши т.  
91,1

Улуғнор т.  
90,7